



ИЛМНИНГ МОҲИР ТАШКИЛОТЧИСИ

(Профессор Абдуқодир Ҳайитметов таваллудининг 100 йиллигига)

Нусратулла ЖУМАХЎЖА

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.20676860>

Олимлар бор, фақат илмий тадқиқотлар билан шуғулланадилар. Олимлар бор, илмий тадқиқотчилик соҳасида катта кашфиётлар яратиш баробарида раҳбарлик иши билан ҳам шуғулланадилар ва илм ташкилотчилиги соҳасида маҳсулдор фаолият кўрсатадилар. Филология фанлари доктори, профессор, икки кара Абу Райхон Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби Абдуқодир Ҳайитметов ҳам улуғ олим, ҳам моҳир илм ташкилотчиси эди.

Камина 17 йил (1977-1994) мобайнида устоз А.Ҳайитметов раҳбарлик қилган ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институти Ўзбек адабиёти тарихи бўлимида ишлаганман. Шу бўлимда оддий лаборантликдан катта илмий ходимликкача ўсиб-улғайдим. Шу бўлимда фан номзодлиги диссертациямни ёқладим, докторантура таҳсилини ўтадим, дастлабки илмий мақолаларим ва китобларимни ёзиб, нашр эттирдим. Илмнинг катта майдонига йўл олдим. Бунинг учун устоз А.Ҳайитметов ва бўлимдаги бошқа олимлардан миннатдорман. Мен шу институтни ўзимнинг илмий ватаним деб биламан.

Бинобарин, профессор А.Ҳайитметовнинг бир йигит умричалик фаолияти менинг кўз ўнгимда кечган. А.Ҳайитметов ишга нисбатан жуда талабчан, интизомсизликка, кўзбўямачиликка, илмга хиёнатга нисбатан аёвсиз, айти пайтда, ўзаро инсоний муносабатларда ўта меҳрибон ва ғамхўр эдилар. 1980 йилгача ўша пайтдаги Гоголь кўчаси, ЎЗР ФА Президиуми жойлашган 70-бинода ишлар эдик. Бутун бўлим битта катта хонада жойлашган, олимлар билан бирга, олималар ҳам кўп эди. Бўлимда А.Ҳайитметов бошчилигида Абдурашид Абдуғафуров, Ёқубжон Исҳоқов, Содирхон Эркинов, Тошпўлат Аҳмедов, Шарафиддин Эшонхўжаев, Суйима Ғаниева, Назира Ғанихўжаева, Марғуба Мирзааҳмедова, Васида Мўминова, Тамилла Ғафуржонова, Олтиной Қосимхўжаева, Фароғат Мусамуҳамедова, Дилбар Раҳматова, Алимулла Ҳабибуллаев, Ҳожимурод Расулов, Султонмурод Олимов каби олим ва олималар ишлар эди. Биз, лаборант лавозимида ишлайдиган Султонмурод иккаламиз, катта олимларнинг дастёри эдик. Ҳашарларда Алимулла ака ва Ҳожимурод акалар бизга биргалашарди. Бўлимда одам кўплиги, ўтириб ишлаш учун ҳаммага



алоҳида стол-стул етишмаслигига қарамай, ҳамманинг ўз ўрни бор эди. Катта олимларнинг 1-2 кун кутубхона (ижодий) кунлари борлиги эвазига жой тақчиллиги қопланар, ҳамма сиғишиб кетарди. Ўша даврда беш томлик “Ўзбек адабиёти тарихи” тадқиқоти яқунланган ва нашр босқичида эди. Султонмурод иккаламиз ушбу тадқиқотни бир кичик ёзув столида ёнма-ён ўтириб, нашрдан олдинги нусха хатоларини тузатиб (ўша давр термини билан айтганда, “сличение” қилиб) чиққанмиз. Қўлёзма машинкада терилган 3 нусха бўлиб, иккаламизнинг 6 нусха ҳиссамизни тор бир столга ёйиб, синчиклаб ўқиб, қирғич (лезвия), ўчирғич, қора сиёх ёрдамида тузатиб чиқиш бугунда тасаввурга сиғмайди.

1980 йили Тил ва адабиёт институти учун махсус қурилган, Олимлар шаҳарчасидаги Иброҳим Мўминов кўчаси 9-уй биносига кўчиб ўтдик. Тўққиз қаватли бу иморат бағрикенг бўлиб, бўлимга бир неча хона ажратилди.

Беш томлик “Ўзбек адабиёти тарихи” тадқиқоти бўлим тарихида яратилган энг катта илмий иш эди. Бу улкан тадқиқотнинг майдонга келишида А.Ҳайитметов жуда катта матонат ва маҳорат кўрсатган. Тадқиқот энг қадимги даврдан то 1917 йил – Октябрь инқилобигача бўлган ўзбек адабиёти тарихини камраб олган. Ушбу мураккаб камровдаги ҳар бир давр ва ижодкорнинг бирортаси четда қолмаслиги, ҳаммасига жорий илм нуктаи назаридан баҳо берилиши, адабий меросининг мазмун-моҳияти ёритилиши лозим эди. Айни пайтда, уларнинг кўпи ҳали илмда етарлича ўрганилмаган, мероси ҳатто матний жиҳатдан тадқиқ этилмаган эди. Бу – ишни анча мураккаблаштирарди. Аксарият ҳолларда бирламчи қўлёзма манбалар асосида иш юритишга тўғри келарди. Бундай услубда ишлаш учун мутахассис етишмасди. Бинобарин, бу сермашаққат улкан тадқиқотни биргина ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институти интеллектуал салоҳияти билан амалга ошириш имконсиз эди. Тадқиқотнинг муваффақиятли амалга ошиши учун устоз бутун Республика ва ҳатто Иттифоқ миқёсидаги илмий жамоатчиликни ҳамкорликка чақирган. Улардан, албатта, ўз вақтида ва сифатли илмий маҳсулот олиш ҳам осон бўлмаган. Бунинг учун А.Ҳайитметов ўз дипломатлик ва ташкилотчилик салоҳиятини ишга солган. Натижада, элликдан ортиқ етук олимларнинг боши қовуштирилиб, ҳалигача илмий қийматини сақлаб келаётган улкан тадқиқот юзага келган. Беш томликнинг бир томи, аниқроғи, 2-томи Алишер Навоийи ҳаёти ва ижодига бағишланган. Натижада, ўзбек адабиётшунослиги тарихида биринчи марта 30 босма табоқдан иборат навоийшунослик қомусий тадқиқоти яратилган. Ушбу



“Ўзбек адабиёти тарихи” тадқиқоти муаллифлари Абу Райхон Беруний номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлдилар.

Бу беш томлик “Ўзбек адабиёти тарихи”нинг тўлиқ тугалланиб, нашрдан чиқиши миллий фанимиз тарихида катта ҳодиса сифатида баҳоланган. Устоз А.Ҳайитметовда ҳиммат ва саховат ҳам ибратли даражада эди. “Ўзбек адабиёти тарихи” нашр этилишининг хурсандчилиги ва шукронасига устоз ўз ҳовлиларида расмона тўй қилиб берганлар. У қутлуғ тўйнинг шодиёна базми унутилмасдир. Институтнинг деярли барча эркак-аёл илмий ходимлари, биз ёш олимлар ҳам устознинг уйлари ва ҳовлиларини тўлдирганмиз. Тўкин дастурхон, лаззатли таомлар, хандон-хушон гурунглари қаҳқахалар ҳамон кўз ўнгимизда, тоти оғзимизда, жаранглари қулоғимизда. Бошқа бирор олим жамоатчилик тадқиқотини нишонлаш учун ўз уйида, ўз ҳисобидан шундай катта зиёфат берганлигини кейин кўрмадик-эшитмадик.

Бўлимимизда тугалланган режали тадқиқотлар ва диссертацияларнинг муҳокамалари жада қизғин ўтарди. Устозлар илмий тадқиқотларни қилни қирқ ёргандек таҳлил этишарди. Муҳокама авжида, айниқса, Абдуқодир Ҳайитметов, Суйима Ғаниева, Абдурашид Абдуғафуров, Ёқубжон Исҳоқовлар иштирокидаги баҳс-мунозаралар қиёмат-қойим бўларди. Баъзан баҳс-мунозара хаддан ташқари кизиби кетиб, жанговар тус олар, лекин мақсад битта – илмий ҳақиқатни юзага чиқариш бўларди. Муҳокамадан кейин ҳеч ким бир-бирига нисбатан гинакудурат сақламасди. Фикрий қарама-қаршилиқлар, зиддиятли, ҳатто, келишиб бўлмас нуқтайи назарлар муҳокамада қолиб кетарди. Муҳокамадан кейин яна аҳил дўстона муносабатлар, ҳазил-мутойибалар билан қизғин жамоавий меҳнатга киришиб кетиларди. Бу чинакам олимона маданиятдан биз ёш олимлар ўрнак олганмиз. Бундай муҳокамалар биз ёш олимларга ҳар бири бир дарс, катта илмий мактаб бўлган. Бундай баҳс-мунозаралар устоз А.Ҳайитметовнинг бағрикенглиги ва демократик характери маҳсули эди. Институтда 300 дан ортиқ илмий ходим, 30 дан ортиқ ёш олимлар ишларди. 20-25 бўлим фаолият кўрсатарди. Илгари лаборант ва катта лаборант лавозимидаги ёш олимлар режали катта тадқиқот ҳамда диссертациялар муҳокамасига ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашиш ҳуқуқига эга эмасдилар. Биринчи бўлиб А.Ҳайитметов устоз ёш олимлар ҳам муҳокамаларда фаол қатнашишига рухсат бердилар ва биз ҳам илмий ишларни ўқиб, муҳокамаларда баҳоли қудрат иштирок эта бошладик. Филология бўйича илмий ишлар, асосан, бизнинг институтимизда ёқланар эди. Мамлакатнинг ҳар томонидан, баъзан қўшни республикаларидан ҳам диссертациялар оқиб келаверарди. Бу эса илмий



жараённи ҳамиша ишчан, жонли, жанговар, қизгин тусда сақлар эди. Биз ёшлар ўшанда неча ўнлаб диссертацияларни ўқиб, катталар билан бирга муҳокамаларга қатнашиш бахтига муяссар бўлганмиз. Бу, табиийки, устоз А.Ҳайитметовнинг илмий раҳбарлик маҳорати натижаси эди. Зотан, диссертацияни қандай ёзиш кераклигини ва қандай ёзмастик кераклигини ҳеч қайси фан амалда ўргата олмайди. Бунинг энг олий мактаби диссертация муҳокамаларидир. Бундай муҳокамаларда диссертация ҳам, диссертант ҳам, ўқиб муҳоқамада фикр олишган ёш олимлар ҳам пишиб етилади.

Институтда ҳар йили 9 февраль куни анъанавий навойишунослик илмий анжумани ўтказиларди. У даврларда ҳозиргидек ҳамма олий ўқув юртларида ва барча илмий тадқиқот институтларида Алишер Навоий таваллуд санасига бағишланган илмий-маърифий йиғинлар ўтказиш анъанаси шаклланмаган эди. Навойишунослик кучлари, асосан, Тил ва адабиёт институтида марказлашган эди. Бўлимда бу тадбирга астойдил тайёргарлик кўриларди. Академия олимлари билан фикрий муҳолифатдаги йирик олимлар ҳам бор эди, албатта. А.Ҳайитметов уларга ҳам алоҳида эътибор берар ва махсус таклифномалар тайёрлатарди. Биз ёшлар у атоқли олимларга ёзилган таклифномаларни манзилларига анча олдин етказиб берардик. Бундан устознинг мақсадлари таниқли олимлар марказлашган илмий анжумандан четда қолмаслиги, конференцияда ҳам фикрий эркинлик ва фикрий ранг-барангликни, мунозаравий муҳитни шакллантириш бўларди. Конференция куни Институтда байрам руҳи ҳукмрон, бўлимимиз илмий байрамнинг қайноқ шаҳобчасига айланарди. Тонг саҳардан поезддан тушиб, Самарқанддан академик Воҳид Абдуллаев шогирди Ботирхон Валихўжаев билан кириб келарди. Воҳид домла эшикдан баралла ғазал айтиб, файз билан кириб келар, костюмининг кенг чўнтақларидан хасаки ёнғоқни чиқариб, сиқимида синдириб, лутфан бўлимдаги мезбонларга улашарди. Ҳазил-мутойиба, кулги кўтариларди. Тожикистондан Ҳайитметовнинг тўнғич шогирди профессор Эргашали Шодиев хайбат ва салобат, юзларида табассум билан кириб келарди. Озарбайжондан профессор Жаннат Нагиева, Россиядан профессор Зоя Кедрин ташриф буюрарди. Байрам байналмилал тус оларди. Конференция “ош”ини пиширган Ҳайитметов уни бошқаришга даъвогарлик қилмай, хайъатнинг бир четиде камтарингина ўтирарди. Анжуманга ўша даврда мавжуд Навоий кўмитасининг раиси, академик Воҳид Зоҳидов раислик қиларди.

Навойишунослик анжуманига келган маърузалар обдан сараланарди. Илмий янгилиги бор, энг яхши маърузаларгина анжуман дастурига киритиларди. Анжуманга таклиф этилган атоқли журналист Маҳмуд Саъдий келиб, бошдан-



оёқ қатнашиб, барча маърузаларни диққат билан тинглаб, энг яхши маърузани танлаб, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида чоп этиш учун олиб кетарди. Жами маърузалар 10 та атрофида бўларди. Бу ҳам ҳозирги илмий жамоатчилик учун ўрнак. Кейинги йилларда ҳамма олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтларида навойишунослик анжуманлари ўтказилиши анъанага айланди. Бу – яхши. Лекин узоқ-яқиндан келган маърузаларнинг барчаси дастурларга сараланмасдан киритилади. Анжуманнинг ялпи мажлисидан ташқари, яна ўнлаб шўъба йиғилишлари белгиланади. Аксарият ҳолларда, ялпи мажлисни ўтказишга зўрға улгурилади ёки тоқат қилинади, шўъба йиғилишлари ўтказилмай қолиб кетади. Дастурга киритилган маърузаларнинг камида 90 фоизи илмга ҳеч бир янгилик бермайди. Уларни ҳатто ташкилотчиларнинг ўзлари ҳам ўқимайди. Баъзан янгилик бермайдигангина эмас, ҳатто, ғайриилмий фикрлар ҳам ўтиб кетаверади. Бундай нақд кўзбўямачиликка барҳам бериш учун А.Ҳайитметов каби устозлар тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

А.Ҳайитметов бошчилигида бўлимда Алишер Навойининг ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий тўпламлар тузиларди. Лекин бундай илмий тўпламлар ҳар йили Навойи таваллуд кунларига бағишлаб тузилмас эди. Атоқли навойишунос олимларнинг илмий савияси баланд, мазмундор, навойишунослик соҳасига янгилик киритган мақолалари йиғилиб қолганида, илмий зарурат юзасидан шундай тўпламлар яратиларди. Бундай тўпламларга тавсия этилган мақолаларни устоз А.Ҳайитметов заргарона танлар ва таҳлил этарди. Шу боис, илмий тўпламлар салмоқли ва бақувват чиқарди. Ҳар бири бир илмий монография қудратига эга бўларди. Улар ҳақида матбуотда тақризлар чоп этиларди. Масалан, “Навойи ва ижод сабоқлари” номли тўплам ана шундай илмий қийматини йўқотмайдиган китоблардандир.

Ҳозир эса, аниқроғи, кейинги йилларда фақат олий ўқув юртларида эмас, уларнинг кўплаб кафедраларида ўтказилаётган илмий анжуманлар материаллари асосида ёстикдай-ёстикдай илмий тўпламлар “яратиляпти”. Бу – илмнинг ривожидан дейсизми? 900-1000 бетлаб ҳажмда чоп этилаётган бу илмий тўпламларнинг савлатидан от ҳуркийди. Лекин ичида бармоқ билан санарли илмий мақолалар бор, холос. Қолганида ҳеч бир илмий янгилик йўқ. Барака топгур ташкилотчилар узоқ-яқиндан ўз шахсий манфаатлари илинжида юмалоқ-ёстик қилиб жўнатган илмий даража талабгорларининг мақола ва мақолачаларининг биронтасини ҳам чиқитга чиқармасдан тўпламга киритишади. Бу ҳам етмаганидай, оммавий ахборот воситалари, телевидение ходимлари бундай илмий анжуманлар ҳақида махсус ахборот кўрсатувлари билан



хайбаракаллачилик қилишади. Ташкилотчи кафедра мудирини эса кўрсатувда минбарда туриб, “1000 бетлик илмий тўплам тайёрладик”, деб мактанади. Аммо амалда бундай кўргазмалиликнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Ундай илмий тўпламларни ҳеч ким ўқимайди. Ўқиганда ҳам, вақти, меҳнати зое кетади. Хўжакўрсинга 4-5 дона чиқариб, ҳисобот учун зарур жойларга берилади, электрон варианты интернет саҳифаларини банд қилиб ётади. Конференциябозлик ва тўпламбозлик урф бўлди. Ўйлайманки, бу борада ҳам устоз А.Ҳайитметовнинг илмий ташкилотчилик маҳорати замондошларимизга сабоқ бўлиши лозим.

Дарвоқе, кейинги даврларда матбуотда илмий тақризлар эълон қилиш таомили тўхтади. Бу борада ҳам ҳайитметовлар тутуми ибратлидир. Тақриз ҳам ўзига хос жанр, айниқса, илмий китобга тақриз ёзиш осон эмас. Бунинг учун муаллифда узлуксиз илмий жараёндан бохабарлик, илмий янгиликларни идрок этиш, таҳлил ва умумлаштириш қобилияти бўлиши лозим. А.Ҳайитметов устоз бизни шу соҳага ҳам жалб этганлар ва топшириқ бериб бўлса ҳам, тақриз ёзишга ўргатганлар. У даврларда жиддий тадқиқот китоблар деярли тақризсиз қолмас эди. Табиий, тақриз ёзишга биз ҳам дастлаб қийналганмиз, лекин секин-секин қаламимиз чархланиб, ҳадисини олганмиз. Мен, масалан, “Ўзбек адабиёти тарихи” беш томлигининг айрим томларига, Алишер Навоий Мукамал асарлар тўпламининг баъзи томларига, бўлим тайёрлаб нашр этган баъзи илмий тўпламларга, А.Ҳайитметов ва бошқа устозларнинг янги китобларига тақриз ёзиб матбуотда чоп эттирганман. Кейинчалик бу иш ижодимнинг бир йўналишига айланиб қолган. Бунинг учун устоздан миннатдорман ва бу ҳам улуғ олимнинг илм йўлидаги ташкилотчилик маҳорати маҳсулидир.

Профессор А.Ҳайитметов илмий ташкилотчилигининг энг юқори чўққиси Алишер Навоий энциклопедиясининг яратилиши бўлди. 1985 йилдан қайта куриш ва ошқоралик даври эълон қилинди. Шу муносабат билан жамиятнинг ҳамма жабҳаларида жонланиш пайдо бўлди. Тубдан янгиланиш ҳаракатлари кучайиб кетди. Ўзбекистон Фанлар академиясига академик Пўлат Қиғизбоевич Ҳабибуллаев Президент этиб тайинланди. Янги Президент Академияга қарашли ҳамма илмий тадқиқот институтлари фаолиятини талабчанлик билан текшириб чиқадиган бўлди. Президент ҳар бир институтга бораётгани, ҳамма бўлимларга кириб, иш фаолиятини ўрганаётгани, қаноатланарли ишламаётган ва аниқ истиқбол режаси бўлмаган бўлимларни бекитиб юбораётгани ҳақидаги ваҳимали шов-шувлар тарқалди. Навбат Тил ва адабиёт институтига ҳам етиб келди. Президент институтни айланиб, бўлимлар фаолиятини ўрганиб чиққач,



жамоанинг умумий йиғилиши бўлди. Мажлисда ҳар бир бўлим мудирининг Академия Президенти ҳузурида ҳисобот бериши ҳамда янги истиқбол режалари ҳақида маълумот тақдим этиши лозим эди. Устоз Ҳайитметов доим янгидан-янги ғояларга тўлиб юрарди. У умумий йиғилишдан олдин бўлим мажлисини чақириб, 4-5 та йирик илмий тадқиқот режаларини муҳокамадан ўтказиб олди. Аммо у Академия Президентига қайси илмий тадқиқот лойиҳасини тақдим этиши сирлигича қолди. Устоз вазиятга қараб, мўлжаллаб туриб, нишонга аниқ уришни яхши кўрарди. А.Ҳайитметов Академия Президенти ҳузурида кейинги беш йилда бўлим илмий ходимлари кучи билан “Навойи энциклопедияси”ни яратиш ва уни 1991 йили Алишер Навойи таваллудининг 550 йиллигига нашр этиш режасини илмий асослаб берди. Бу режа Президентга жуда маъқул келди ва тасдиқланди. “Навойи энциклопедияси” лойиҳаси катта таваккал билан ўртага ташланган бўлса ҳам, бундай янги ҳамда улкан тадқиқотга табиий зарурият ва эҳтиёж бор эди. Чунки собиқ Иттифоқ миқёсида “Пушкин энциклопедияси”, “Лермонтов энциклопедияси” тажрибалари мавжуд бўлса ҳам, ҳали Марказий Осиёнинг бирорта мамлакатада адабий қомус яратилмаган эди. “Навойи энциклопедияси” бу минтақада биринчи адабий қомус бўлиши мўлжалланган эди. Қисқа муддатда “Навойи энциклопедияси сўзлиги” тузилиб, нашр этилди. Беш йил мобайнида бўлим ходимларининг кенг навойишунослар жамоаси ҳамкорлигида, устоз Ҳайитметов раҳнамолигида “Навойи энциклопедияси” матни майдонга келди. ЎзР ФА Президиуми 110 босма табоқли ушбу улкан адабий қомус тадқиқотини Ўзбекистон Миллий энциклопедияси нашриёти Алишер Навойи таваллудининг 550 йиллигига тухфа сифатида нашр этиши ҳақида қарор қабул қилди. Мен бу энциклопедиянинг яратилиш тарихи ҳақида матбуотда “Навойи қомуси яратилмоқда”, “Навойи энциклопедияси қачон яқунланади?”, “Навойи энциклопедиясининг тарихий тақдири” каби муфассал мақолалар эълон қилганман. “Навойи энциклопедияси”нинг яратилиши тўғрисидаги илмий анжуманда “Навойи энциклопедияси”нинг яратилишида профессор А.Ҳайитметовнинг ўрни” мавзусида маъруза қилганман. Шу боис, сўзни мухтасар этаман.

Профессор Абдукодир Ҳайитметов юқоридаги сингари жамоавий илмий тадқиқотлар билан бирга, ўнлаб ўз мустақил илмий монографияларини яратди, Алишер Навойи ва бошқа ўзбек мумтоз адиблари адабий меросининг нашри билан шуғулланди, кўплаб ёш тадқиқотчиларнинг диссертацияларига илмий раҳбарлик қилдики, уларнинг бари ҳозир илм-фан тараққиёти хизматидадир. Улуғ устознинг охирати обод бўлсин.